ШЕЪРИЯТДА ГУЛ ВА БУЛБУЛ ОБРАЗЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Ҳ.СОЛИҲОВА

Мақолада рус ва ўзбек шеъриятидаги гул ва булбул образларининг талқинлари Навоий, Бобур, А.С.Пушкин каби шоирларнинг шеърлари мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *гул образи, булбул образи, шеърият, рубоий, ёр ва ошиқ образлари.*

В статье рассматривается трактовка образов “соловья” и “розы” в узбекской и русской поэзии на примере творчества Навои, Бабура и Пушкина.

Ключевые слова: *образ розы, образ соловья, поэзия, рубаи, образы влюбленного и возлюбленной.*

The article discusses the images of a “nighingale”and “rose” in the works of A. Navoiy, Z.M. Babur and A.S. Pooshkin.

Key words*: the image of rose, the image of a nightingale, poetry, rubai, the images of a lover and the beloved.*

Ўзбек мумтоз шеъриятида ёр ва ошиқ образлари марказий ўрин тутади. Шунга мос равишда ёр ва ошиқ тимсолларининг мажозий талқини сифатида гул ва булбул образларининг ўзбек мумтоз шоирлари ижодида жуда кўп ишланганини кузатиш мумкин. Ушбу мақолада Бобур рубойларидаги гул ва булбул тимсоллари, рус шоири А.С.Пушкин ижодидаги гул образи ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърий ижодида рубоий жанридаги асарлар салмоқли ўрин тутади. Уларнинг сони икки юзга яқин [1]. Бобур девонидаги рубоийлар турли мавзуда ёзилган, улар орасида ижтимоий, тарбиявий, севги-муҳаббат ва ҳижрон изтироблари ҳақидаги рубоийларни учратиш мумкин. Ижтимоий мавзудаги рубоийлари шеър майли, чоғир масаласи, ижтимоий-сиёсий курашлар таъсирида туғилган руҳий кайфият каби масалаларга бағишлангандир. Бобур рубоийлари содда, халқона тил билан ёзилган, шу боис улар халқ кўнглига яқин, тушунарли. Бобур ўз рубоийларида XVI аср ўзбек адабий тилининг имкониятларини юксак даражада намойиш эта олди. Шоирнинг ҳар бир рубоийси ўзида чуқур мазмунни мужассамлаштирган. Хусусан, унинг “Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен” деб бошланувчи рубоийси ҳақида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин.

Бобурнинг мазкур рубоийси оддий инсоний кечинмалар ҳақида. Унда ошиқнинг маъшуқага бўлган дил изҳори бетакрор бир кўринишда бадиий ифодасини топган. Шоир ушбу рубоийсида ҳаёт лаззатини, шодлигини куйлайди. Лирик қаҳрамон севгини ҳаёт ва шодликнинг манбаи деб билади.

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену, ул шуълаға мен кулдурмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Бобур лирик қаҳрамони ёрни бутун қалби билан севади. У гўзаллик мафтуни, шунинг учун гўзалликда тенгсиз бўлган маҳбубага самимий эҳтиром кўрсатади ва камтарлик билан ўзини севги олдида забун ва маъшуқа олдида ожиз кимса деб билади. Ёр қаршисида ўзининг шоҳ эканлигини эсдан чиқаради. Маъшуқани гулга ўхшатиб, ўзи гулнинг ишқида ёниб, ўртаниб сайровчи булбул эканлигини рубойнинг биринчи мисрасидаги “сен гулсену, мен ҳақир булбулдурмен” деган соддагина бир жумла орқали ифода этади. Иккинчи мисрада “Сен шуъласену, ул шуълага мен кулдурмен” дейиш билан гўзал маҳбубани нурга ўхшатади, ўзи эса шу нурнинг тафтида куйиб кулга айланаётганлигини айтади. Ёрнинг гулдай очилган чиройидан таралаётган шуъла таъсирида ошиқ худди булбул каби сайраб-сайраб, охир-оқибатда муҳаббат оташида куйиб кулга айлангани гўзал бадиий тимсоллар орқали ифодалаб берилган. Маъшуқа бир гул, лирик қаҳрамон эса давлатда адолат ўрнатувчи, халққа бахт-саодат берувчи шоҳ эмас, оддийгина ошиқ, гул қаршисида унинг бўйидан маст бир булбул эканлиги таъкидланади. Ёрнинг гўзал чеҳраси олдида ошиқ булбул куйлашга бошлайди. Бу – ишқ таронаси, ошиқ кўнглининг висол шодликлари. Гулдай гўзалдан тарқалаётган нур ошиқ кўнглидаги оташин чўғни оловлантиради.

“Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек” мисраси билан якун топувчи рубоийсида ошиқнинг кўнгли ёр висолидан нурга тўлганлиги, унинг бахтиёр ва чароғон кунлари тараннум этилганини кўрамиз.

Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек,
Балки юзунг олида эрур гул қулдек.
Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

Маъшуқа тенгсиз гўзал, унинг лаблари гул ғунчасидек нафис. Унинг ҳар бир сўзи ошиқ қалбига ҳузур бағишлайди. Унинг нозикниҳол қадди-қомати ошиқни руҳлантириб, ҳаяжонга солади.

Гул ошиқнинг қўлидан маъшуқага ишқ элчиси бўлиб ўтади. Гулдан таралаётган хуш бўй ошиқни маст қилиб булбулга айлантиради. Булбул гул ишқида зорланиб сайрайди. Шу ўринда Алишер Навоийнинг қуйидаги байтлари ёдга тушади:

Ҳар қизил гулки, юзинг шавқида олиб истадим,
Етгач оҳим шуъласи они сариғ гул айлади.

Ҳазрат Навоийнинг бу байтида ёрнинг юзи қизил гулга ўхшатилади, шунинг учун ошиқ ёр юзи шавқида қизил гулни эслайди. Ошиқ юраги ишқ оташида оловга айланади. Ошиқ юрагидаги олов тафтидан қизил гул сарғаяди. Алишер Навоийдаги каби Бобур рубоийларида ҳам ошиқлик дардида куйиб кулга айланган булбул образи кўз олдимизда намоён бўлади.

Шоир Феруз ҳам Бобур каби шоҳ бўлса-да, маъшуқа олдида ўзининг қул эканлигини айтади. Феруз ҳам олийжаноб халқпарвар ошиқ шоир эканлигини қуйидаги сатрларда ифодалаб беради.

Гарчи эрурман толъи Феруз ила оламшоҳ,
Лек ул парилар саруари олдидадурман қул бу кун.

Феруз сатрлари шоҳ шоир Бобурнинг “сен гулсену, мен ҳақир булбулдурмен” каби машҳур рубоийсини ёдга солади. Ферузнинг лирик қаҳрамони ҳам Бобур каби камтарин ошиқдир. Ишққа мубтало бўлган шоҳ дарвешона ошиқ бўлишни, севгисининг, севгилисининг қули бўлишни хоҳлайди. У висолга интилади, ёрдан вафодор бўлишни сўрайди. Севги орқали ҳаётига қувонч киришини интизорлик билан кутади.

Гул ва булбул ҳақида асар ёзиш жаҳон адабиётида, хусусан, рус адабиётида ҳам учрайди. Буюк рус шоири Александр Сергеевич Пушкин шеъриятида гул образига бағишланган, юксак бадиий маҳорат билан ёзилган шеър бор. Пушкиннинг 1949 йили Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилган сайланмасидан “Гул” шеъри ҳам жой олган [2]. Мазкур шеър 1828 йилда ёзилган. Пушкин талқинидаги гул худди шоир яшаётган даврдаги ҳақсизликлардан қуриб хазонга айлангандек таассурот уйғотади. Пушкиннинг лирик қаҳрамони сўлган, қуриган гулни кўриб ҳаяжонга тушади, унда изтиробли ўйлар туғилади:

Қуриган, ҳиди йўқ, унутилган гул –
Китобни очаркан кўриб қолдим ман.
Ғалати хаёлга тўлди-да кўнгил,
Паришон термулиб, туриб қолдим ман
(Миртемир таржимаси)

Пушкин бу гулнинг қачондир бир замонда йигит томонидан қизга ишқ элчиси сифатида ҳадя этилганлигини тахмин қилади. Гулнинг сўлиб, қуриб қолганлиги шоирни яна тахминлар томон етаклайди: бу ошиқ-маъшуқлар макони қаерда экан, улар севгиси ҳам шу гул каби очилмай сўлиб, қуриб қолмадимикан, агар шундай бўлса, бунга кимлар, нималар сабаб бўлди, деган эҳтиросли сўроқлар билан мурожаат этади Пушкин.

Тирикмикан йигит, тирикмикан қиз?
Шу пайтда уларнинг қайда макони?
Ёки шу қуриган-сўлган белгисиз,
Гул каби сўлдими, қаёқда, қани?

Бобурдан уч аср кейин яшаган Пушкин шеъри нафақат интим муносабатлар, балки жамиятдаги зиддиятлар ҳақида ҳам ижтимоий-фалсафий хулосалар чиқаришга ундайди.

Адабиёт:

1. Қаюмов А. Бобур ижодиёти. – Т., 2007.
2. Пушкин А.С. Танланган асарлар. – Т., 1949.

Андижон давлат университети
2013 йил 23 августда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Тожибоева)